

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Қ.Юлчиев	
Ўзбек шеърлятида лирик хронотопнинг ривожы	77
Г.Орипова	
Мустақиллик даври ўзбек шеърлятида халқ оғзаки ижоди аныаналари ва ўзига хосликлар	82
А.Акбаров	
Немис адабиётида Абулқосим Фирдавсий қисматининг бадий талқинларига доир.....	87

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Турғунов	
Наманган болалар фольклорида доимий ўйинлар ва уларнинг локал хусусиятлари.....	92
А.Бердиалиев	
Тил бирликларидро парадигматик ва синтагматик муносабатлар масаласига оид мулоҳазалар	96
М.Абдупаттоев, С.Зокирова	
Конгруэнтлик ҳодисаси ва унинг контрастив лингвистикадаги ўрни	101
Д.Ашуrow	
“Алпомиш” достонида қўлланилган ўхшатишларнинг лингвокультурологик хусусиятлари	104

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Д.Саимназарова	
Чет тилда матнни идрок этиб тушуниш хусусида	108
А.Асимов, М.Ғофурова	
Масаланинг қисқа ёзуви устида ижодий ишлаш	111

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Т.Шадманов	
1917-1941 йилларда Ўзбекистонда зичлаш ва зичланиш уй-жой муаммосини ҳал қилиш шаклларидан бири сифатида	115
С.Маннопов, А.Қамбаров	
Фаргона-Тошкент мақом йўналишининг фалсафий масаласига доир.....	118
С.Содиқов	
Фуқаролик жамиятига доир мумтоз назарияларнинг ривожланиши	120
Н.Усмонов	
Урбанизация ва ижтимоий ривожланиш.....	123
Н.Маҳмудова	
Исломий қоидаларнинг бадий талқини.....	126
Ж.Дилмуродов	
А.Ж.Крониннинг «the citadel» асарини инглиз тилидан ўзбек тилига ўгириш муаммолари	128
Н.Эргашева	
Инглиз тили Америка варианты грамматикасининг айрим хусусиятлари	130
Н.Хошимова	
Ассоциациялар индивидуаллигининг ташқи омиллари.....	134
Р.Абдуллаева	
Когнитив тушунчалар ва уларнинг мазмун-моҳияти.....	137
Л.Тешабоева	
Ўзбек ва инглиз адабиётида рамзий маъно ҳамда унинг хусусиятлари.....	140
Г.Эшбекова, Г.Ҳамроқулова	
Тарих фанини ўқитишда ишчи дафтардан фойдаланишнинг аҳамияти	142
Д.Абдурахмонова	
“БОБУРНОМА”нинг янги немисча таржимаси хусусида.....	145

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Фидойий олим	148
---------------------------	-----

БИБЛИОГРАФИЯ

БИБЛИОГРАФИЯ	150
---------------------------	-----

таклиф қилганлиги фикримизнинг далилидир. Ашурали Маҳрам мақом йўллариغا, хусусан “Хусайн”, “Чоргоҳ”, “Баёт”, “Гулёри шаҳноз”, “Дугоҳ” кабиларга куй басталайди [5,101]. Шу билан бирга Ашурали Маҳрам санъат оламига қадам қўйган кўплаб фарғоналик ва тошкентлик ҳофизларнинг устози бўлган.

Фарғона – Тошкент йўналишида ижро этиладиган мақомларнинг ҳар бири жуда катта тараққиёт йўлини босиб ўтганлиги билан ҳамда унинг асослари пухта эканлиги, амалда такомиллашиб борганлиги ва шу боис сайқал топганлиги билан Хоразм олти ярим мақоми, Бухоро шашмақомидан алоҳида ажралиб туради. Айнан шунинг ўзиёқ Фарғона – Тошкент мақом санъати йўналишининг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб гадаланади.

Фарғона – Тошкент мақом санъати йўналиши Бухоро ва Хоразмнинг марказлашган йирик яхлит мақом мактабларидан фарқли ўлароқ, Фарғона водийси ҳамда Тошкент атроф ҳудудларида ранг-баранг кичик гуруҳлардан таркиб топгани акс эттирилади. Унда Қўқон, Марғилон, Исфара, Андижон, Наманган, Хўжанд, Тошкент, Чимкент, Қашқар ва бошқа жойларда мақом устозлари етишиб чиққанлиги ҳамда уларнинг орасидан мураккаб ижодий алоқалар юзага келганлигига ишора этилади [6,100].

Миллий мақом санъати номоддий маданий мерос сифатида ЮНЕСКОнинг рўйхатига киритилганлиги мазкур санъат тури умрининг узайишига олиб келади. Шунингдек, бу санъат ёшлар тарбиясида ҳам катта аҳамият касб этади. Чунки, “... инсоннинг қулоғи енгил-елпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг диди, маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб

олиши ҳам ҳеч гап эмас. Охир-оқибатда бундай одам “Шашмақом” сингари миллий меросимизнинг ноёб дурдоналарини ҳам, Моцарт, Бетховен, Бах ва Чайковский каби дунё тан олган буюк композиторларнинг асарларини ҳам қабул қилиши қийин бўлади” [1,143].

Ҳозирги кунда мақомлар ўз салмоғи ва мазмуни билан кўпгина мусулмон Шарқ халқлари мусиқа меросининг асосий қисмини ташкил қилади. Улар шаклан ва услубан ранг-баранг оҳангдор куй ва ашула йўлларида иборат. Хусусан, ўзбек мумтоз мусиқасида Бухоро шашмақоми, Хоразм мақомлари, Фарғона – Тошкент мақом йўллари билан бир қаторда ёввойи мақом, сурнай мақом, дутор мақом йўллари шаклланган. Мақом номдаги чолғу ва айтим мусиқа асарлари ўтмиш бастакорлик ижодиётининг мумтоз маҳсули бўлиб, номоддий маданий мерос сифатида асрлар давомида оғзаки анъана сифатида сайқалланиб, бизгача етиб келган.

XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб миллий қўшиқчилик санъатига асос солган ўзбек бастакор ва композиторлари, жумладан, академик Юнус Ражабий, Ф.Содиқов, К.Жаббаров, С.Калоновлар ўзларининг яратган асарларида Фарғона – Тошкент мақом санъати йўналишидаги услублардан моҳирона фойдаланганлар.

Бугунги кунда Фарғона – Тошкент йўналишидаги ўзбек миллий мақом санъати ўзининг баркамол бадий-эстетик аҳамиятини тиклаб, замонавий мусиқий жараённинг ажралмас таркибий қисми сифатида ўзининг беқиёс ижодий, ижровий ва илмий салоҳиятини намоён этмоқда.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008
2. Саид Аҳмад. Илоҳий неъмат.// “Тафаккур” журнали. -1994 йил, 1-сон.
3. Абдурахман Джами. Трактат о музыке (форс тилида, А.Н.Болдиревнинг кириш сўзи ва русча таржимаси билан). –Т.: Изд-во АН, 1960.
4. Юнус Ражабий. Мусиқа меросимизга бир назар. –Т.: Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.
5. Хамидов Х. Ўзбек анъанавий қўшиқчилик маданияти тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1996.
6. Матёқубов О. Мақомат. -Т.: “Мусиқа” нашриёти, 2004.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор)

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИГА ДОИР МУМТОЗ НАЗАРИЯЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

С.Содиқов

Аннотация

Мақолада фуқаролик жамиятига доир классик назарияларнинг ривожланиши илмий жиҳатдан ёритилган, муаммонинг маълум ечим ва тавсиялари келтирилган.

Аннотация

В статье представлен научный обзор развития классических теорий о гражданском обществе, а также рекомендации и конкретные решения проблемы.

Аннотация

The article provides an overview of the development of classical theories about civil society, and provides specific solutions to the problem.

Таянч сўз ва иборалар: инсон ҳуқуқи, фуқаролик жамияти, давлат институтлари, жамият ва давлат, ҳуқуқий давлат.

Ключевые слова и выражения: права человека, гражданское общество, государственные институты, государство и общество, правовое государство.

Keywords and expressions: human rights, civil society, public institutions, society and state, the rule of law.

Фуқаролик жамияти назарияси инсоният томонидан яратилган сиёсий қарашлар тарихи – жамият ва инсон, сиёсат ва давлат тўғрисидаги назарий қарашлар, шунингдек, илк жамоалардан то ҳозирги давргача бўлган жамиятлар ривожланишининг тажрибаси асосида такомиллашиб борди. Шу билан бирга, фуқаролик жамияти унсурларининг назарий жиҳатлари бундан бир неча минг йил олдин кашф этилганлигига эътибор берилса, бу жамият инсоният яратган цивилизацияларнинг энг сўнгги ҳосиласи ўлароқ шаклланганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Фуқаролик жамияти унсурлари, шунингдек, фозил жамият куришга доир назарий изланишлар дастлаб Шарқ Уйғониш даври мутафаккирлари томонидан амалга оширилган. Ҳозирги даврга келиб, Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамияти куриш ислохотларининг чуқурлашиб бориши миллий меросимизни ўрганишга бўлган эҳтиёжларни янада кучайтирди. Бунинг сабаби шундаки, биз қурмоқчи бўлган фуқаролик жамияти ривожланган мамлакатлар тажрибасидан андаза сифатида кўр-кўрона кўчириб олинмайди, балки бир неча минг йиллик миллий мерос ва тарихий тажрибаларимиздан озиқланади.

Фуқаролик жамиятига хос илк қарашлар ва илмий ўрганишга доир услубий ёндашувлар бир неча асрлар давомида вужудга келди. Жон Локк ва Иммануил Кант каби файласуфлар ҳам “фуқаролик

жамияти” деганда, аввало, “давлат”ни тушунишга мойил бўлдилар. Аммо бора-бора фуқаролик жамияти билан мутлақ давлат институтлари ўртасидаги тафовут кўзга яққолроқ ташланаверди. Томас Гоббс, Жон Локк, Шарль де Монтескье каби олимлар жон-жаҳдлари билан ҳимоя қилган индивидуализм концепцияси эса кун тартибига жамиятнинг эркин фуқароси, шунингдек, шахс эркинлиги масаласини қўйди. Фуқаролик жамияти тўғрисидаги мавжуд концепциялар ўзига кўплаб мураккаб муаммолар тизимини қамраб олди. Бу назарияларни, уларнинг методологик манбалари ва тарихий йўналишларини тадқиқ қилиш жараёнидагина англаш мумкин.

Фуқаролик жамияти тўғрисидаги янги қарашларнинг дастлабки муаммоларидан бири – унинг келиб чиқишидаги табиийлик билан ижтимоий-сиёсий жиҳатларини асослаб бериш эди. Бу даврда инсоннинг икки хил – табиий ва ижтимоий келиб чиқиши тўғрисидаги қарашлар пайдо бўлган эди. Унга биноан, жамият, давлат ва унинг сиёсати табиийлик касб этиши лозим. Жамиятнинг ана шундай табиий бошланишини цивилизацияга эришганлик, деб баҳолаш расм бўлди. Натижада, civitas (цивитас) – шаҳар, тушунчасидан civilitas (цивилитас) – бошқарув, фуқаролик, давлат, сиёсат, фуқаролик жамияти (қадимги Римдагидек) тушунчасига ўтиш бошланди.

Инглиз мутафаккири Томас Гоббс жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларни, фуқаролик

муносабатлари билан сиёсий муносабатларни уйғунлаштириш мақсадлари ҳуқуқий давлат қуриш муаммоларини кун тартибига қўйишини ёзган эди. Унинг фикрича, “ҳуқуқий давлат барпо этмай туриб, фуқаролик жамияти қуришни тасаввур қилиб бўлмайди[1,114-115]”

Фуқаролик жамияти ва давлат муносабатларини мукамал ишлаб чиққан мутафаккирлардан яна бири Георг Гегелдир. “Фуқаролик жамияти, - деб таъриф беради Гегель, - фаолияти қонун билан бошқариладиган шахслар, синфлар, гуруҳлар ва бошқа институтларнинг мажмуаси бўлиб, бу мажмуа тўғридан-тўғри сиёсий давлат бошқарувига боғлиқ эмас”. Шунингдек, Гегель бу ҳақда қуйидаги фикрни билдирган: “Фуқаролик жамиятининг табиати шундайки, унда ҳар бир алоҳида инсоннинг ҳуқуқий давлатнинг шахсий ҳуқуқига айланишга улгурган бўлиб, унда давлат “ўзининг зиммасига” менинг ҳуқуқларимни худди ўзининг ҳуқуқларидек ҳимоя қилиш ва қарор топтириш мажбуриятини олади [2,418]”.

Гегель биринчилардан бўлиб “давлат” ва “фуқаролик жамияти” ўртасида ҳам тафовутлар, ҳам ўзаро боғлиқликлар борлигини таъкидлаб, фуқаролик жамиятини инсон меҳнати роҳатини топадиган жой, деб қарайди. Шу билан бирга, мутафаккир давлат инсонга бундай жамият қуриш

имкониятини очиб беради, деган фикрни билдиради[3,279-286].

Ғарбий Европа мамлакатлари жамиятларидаги ўрта мулкдорлар табақасининг мустаҳкамланиб бориши, саноат ва савдонинг ривожланиши, бозор муносабатларининг кенгайиб бориши билан эркинлаштириш (либерализм) мафкураси ҳам шаклланиб борди. XIX асрга келиб бу мафкура таъсирли сиёсий ва интеллектуал оқимга айланди. Бу мафкуранинг тарафдорлари бошқа турлича ижтимоий табақаларда ҳам мавжуд эди. Лекин либерализмнинг асосий ижтимоий таянчи, аввало, саноат ва савдо соҳасидаги ўрта тадбиркорлар, шунингдек, майда мансабдорларнинг баъзи вакиллари, эркин касб эгалари ва университетлар олимларидан иборат эди.

Хулоса қилиб айтганда, “фуқаролик жамияти” тушунчаси, авваламбор, ўз аъзоларининг турли-туман манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадларидаги ўзини ўзи ташкиллаштиришни англатади. Фуқаролик жамияти энг олий инсоний бирлик шакли ҳисобланиб, у ўз ичига турли уюшмаларнинг таркибий қисмларини қамраб олади. Улар ўз моҳиятига кўра жамиятдаги адолатлилик тамойилига асосланган ҳамжамият бўлишни ифода этади. Бу жамиятда ҳар бир киши ўзи учун олий фаровонлик топиши мумкин.

Адабиётлар:

1. Гоббс Т. Избр. произведения. -М., 1965.
2. Гегель Г. Философия права. -М., 1990.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор)